

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШПУЛАТОВА МАКТУБА МУХАМЕДАЛИ ҚИЗИ

АЁЛЛАРДА ПОДАГРАНИНГ КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Ташпулатова Мактуба Мухамедали қизи Аёлларда подагратинг клиник ва генетик хусусиятлари.....	3
Ташпулатова Мактуба Мухамедали қизи Клинико-генетические особенности подагры у женщин.....	26
Tashpulatova Maktuba Mukhamedali qizi Clinical and genetic features of gout in women.....	51
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных научных работ List of published scientific works.....	59

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШПУЛАТОВА МАКТУБА МУХАМЕДАЛИ ҚИЗИ

АЁЛЛАРДА ПОДАГРАНИНГ КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.DSc/Tib1214 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Шодиқулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Шерзод Сағдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Гелдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.И. Пулатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги ўн йилликларда подагра билан касалланиш сони нафақат юқори ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасига эга бўлган мамлакатларда, балки у жуда кам учрайдиган патология деб ҳисобланган худудларда ҳам ўсишни давом этаётганлиги, хусусан аёллар орасида гиперурикемия ва хасталикни юзага келиш кўрсаткичларининг ортиб бораётганлиги ушбу муаммонинг тиббий ҳамда ижтимоий долзарблигини белгилаб беради. Қатор олимларнинг маълумотларига кўра, «...аёлларда подагранинг этиологияси ва патогенези ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларининг муҳим жиҳатларидан бири бу - генетикадир...»¹. Шу муносабат билан, сўнгги пайтларда тадқиқотчилар аёлларда подагра ривожланишининг молекуляр-ирсий омилларини ўрганишга, касалликни келтириб чиқарувчи хос генларни излашга ва уларнинг полиморфизмларини белгиларсиз гиперурикемия ҳамда подагра ривожланиш хавфи билан боғлиқлигини таҳлил қилишга кўпроқ аҳамият беришмоқда.

Жаҳонда эркалар билан бир қаторда ёш ва ўрта ёшдаги аёлларда ҳам подагра билан касалланиш кўрсаткичларининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, уни эрта ташхислаш ҳамда яқин ва узоқ муддатлардаги оқибатларини башоратлаш масаласи илмий-клиник тадқиқотларнинг етакчи мавзуларидан бирига айланмоқда. Бу изланишларнинг моҳияти аёл беморларда подагра ривожланишининг молекуляр-генетик омилларини ўрганиш, мойил генларни таҳлил қилиш ҳамда касалликнинг хавф омиллари билан генлар полиморфизмларининг ўртасидаги боғлиқликни изчил ўрганишга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, подагра ва симптомсиз гиперурикемия кузатилган аёлларда пурин метаболизми (APEX1 (rs2307486)), урат транспортини кодловчи (URAT1(rs11231825)) ҳамда буйрак проксимал найчаларида урат транспортерларини модуляция қилувчи (PDZK1 (rs3753581)) генлар полиморфизмларини баҳолаш подагра хавфини камайтириш, тўғри ташхислаш ҳамда гипоурикемик терапия самарадорлигини ошириш имконини яратади.

Республикамызда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу борада «...кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика худудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш. Жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини шакллантириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги ревматологик касалликларни тарқалиши, клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат

¹ Bhole V., de Vera M., Rahman M. et al. *Epidemiology of gout in women: Fifty-two-year followup of a prospective cohort // Arthritis Rheum.* - 2022. - Vol. 62 (4). - P. 1069-1076.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

кўрсатишда илғор технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали хасталиклар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Сўнгги йилларда аёлларда подагранинг клиник ва генетик хусусиятларини ўрганишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар халқаро миқёсдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар томонидан амалга оширилмоқда. Хусусан, подагранинг генетик негизидаги омиллар, гормонал ўзгаришлар ва индивидуал хавфларни баҳолаш соҳасида қуйидаги ташкилотлар илмий фаолият юритмоқда: American College of Rheumatology (АҚШ), Oxford University (АҚШ), University of California (АҚШ), Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ), Department of public health Sciences (АҚШ); Harvard Medical School (АҚШ), University of Melbourne (Австралия), Paulista University (Бразилия), University of Miami (Маями), Universitat de Barcelona (Испания), Imperial College London (Буюк Британия), University of Edinburgh (Буюк Британия), University of Zurich (Швейцария), University of Copenhagen (Дания), Seoul National University (Корея), Сеченов номидаги Москва давлат биринчи тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Қозон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон).

Подагранинг аёлларда намоён бўлишидаги биологик ва молекуляр механизмлар, жинсий гормонлар, метаболик фон, жисмоний фаоллик ҳамда генетик омилларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланади. Хусусан, Genome-Wide Association Study (GWAS) асосида олиб борилган тадқиқотларда URAT1, ABCG2, PDZK1 ва APEX1 генлардаги мутациялар сийдик кислотаси концентрациясининг ошиши ва подагранинг юқори хавфи билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Köttgen ва ҳаммуаллифлар (2020), Dehghan ва ҳаммуаллифлар (2019) томонидан амалга оширилган тадқиқотларда эса подагранинг ген-муҳит ўзаро таъсири орқали шаклланишига оид комплекс таҳлиллар олиб борилган. Шу жумладан, American College of Rheumatology ва University of Pittsburgh тадқиқотчилари сийдик кислота даражасини назорат қилувчи генетик маркёрлар,

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбаалар.

метаболик синдром кўрсаткичлари ва менопаузадан кейинги гормонал ўзгаришлар орасидаги боғлиқликни исботлаганлар.

Фармакогенетика соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, подагра билан касалланган аёлларда гипоурикемик препаратларга (аллопуринол, фебуксостат) жавоб бериш даражаси турли генотипларга боғлиқ бўлади. Айниқса муайян генотипларга эга беморларда даволаш самарадорлигининг турли даражада намоён бўлиши шахсийлаштирилган терапия стратегияларини шакллантириш учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади (Taniguchi, 2022; Zhang, 2020).

Жаҳон тадқиқот марказларида подагранинг аёлларда клиник-генетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, сийдик кислота алмашинуви билан боғлиқ генетик полиморфизмларни аниқлаш, уларнинг подаграни ривожлантиришдаги ўрнини баҳолаш; гормонал дисфункция ҳолатлари мавжуд аёллардаги генетик ўзгаришларни таҳлил қилиш; уларда подагранинг клиник генотип-фенотип алоқаларини таҳлил қилиш орқали эрта ташхислаш ва хавф омилларини башорат қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш; генетик маркерлар асосида гипоурикемик терапиянинг индивидуал самарадорлигини баҳолаш каби устувор масалаларда кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Подагра ва белгиларсиз гиперурикемияси бўлган аёл беморларда генлар полиморфизминини аниқлаш, касалликнинг ривожланиш хавфини ташхислаш, айниқса, рефрактер подагра билан оғриган аёл беморларда гипоурикемик терапия тамойилларини мувофиқлаштиришга оид илмий изланишлар доимий равишда, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Даставвал, подагранинг жинслар ўртасидаги эпидемиологияси (Bhole V., 2010; Harrold L.R. ва ҳаммуал., 2006) таҳлил қилиниб, аёлларда касалликнинг хавф омиллари, ривожланиш механизмлари ҳамда клиник кечиш хусусиятлари батафсил баён қилинган (Meyers O.L. ва ҳаммуал., 2010). Кейинчалик эса гиперурикемия ва подагралари аёл беморларда касалликнинг лаборатор кўрсаткичлари эркактарники билан солиштирилиб ўрганилган (De Souza A., 2005; De Vera M.A., 2010).

Гиперурикемия ва подагра ривожланишида айниқса, SLC2A9 и ABCG2 генларининг полиморфизмлари муҳим аҳамият касб этиши атрофлича баён этилган (Wen C.C., Yeas W., Liang X. ва ҳаммуал., 2015; Кушнаренко Н.Н. ва ҳаммуал., 2020). Бошқа хорижий олимлар ўтказган илмий тадқиқот ишларида PDZK1 ва APEX1 генларининг полиморфизмлари эркактарга нисбатан аёлларда гиперурикемия ва подаграга кўпроқ сабабчи бўлиши ўз аксини топган (A/A kash V.Patel ва ҳаммуал., 2015). Ҳусусан, сўнгги йилларда подагра билан касалланган аёлларнинг ёш хусусиятлари билан полиген хавф омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ҳам ўрганилган бўлиб, унга кўра 50 ёшгача бўлган подагралари аёлларда rs147750368 (SPANXN1), 50 ёш ва ундан юқори бўлган аёлларда эса подаграни келиб чиқишида етакчи омил ҳисобланган URAT1, CNTNAP2 ва GLRX5 генларининг полиморфизми кўп учраши қайд этилган (Chien-Yu Lin ва ҳаммуал., 2023).

Ҳусусан, бир миллион репродуктив ёшдаги аёлларда ўтказилган когорт текширувда гиперурикемия ва подагранинг оғирлик даражасига гормонал омилларнинг таъсири ҳам ўрганилди. Унда репродуктив ва постменопауза давридаги аёлларнинг жинсий гормонлари билан сийдик кислотасининг даражаси орасидаги боғлиқлик чуқур таҳлил қилинди (Yeonghee Eun ва ҳаммуал., 2021). Бундан келиб чиққан ҳолда, аёлларда гиперурикемияни бартараф этиш ва

подаграни даволаш мақсадида эстроген терапия ўтказилиб, юборилган экзоген гормоннинг сийдик ва қон зардобидаги сийдик кислотасининг даражаларига таъсири баҳоланган (Nicholls A. ва ҳаммуал., 2021).

Клиник амалиётда подаграни ташхислашга қаратилган таснифий мезонлар ҳамда даволаш тамойилларининг мавжуд эканлигига қарамасдан, касалликнинг эрта босқичларида аёл жинсли беморларга подагра ташхисини қўйиш ҳамда муқобил даволаш тамойилларини белгилаш муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шундай экан, генетик полиморфизмни баҳолаш ёрдамида касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш ва рефрактер подагра билан оғриган аёл беморларда мақбул гипоурикемик терапия тамойилларини танлаш орқали ногиронликни олдини олиш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкони яратилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.070070 «Аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва даволашга инновацион ёндашиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади аёлларда подагранинг клиник, патогенетик ва молекуляр генетик хусусиятларини баҳолаш асосида унинг олдини олиш ва даволашга индивидуал ёндошувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

подагра билан оғриган аёл беморларда касалликнинг ўзига хос клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш;

подагра ва симптомсиз гиперурикемияли аёлларда APEX1 (rs2307486), URAT1(rs11231825), PDZK1 (rs3753581) генлар полиморфизмининг алеллари ва генотипик шакллариининг учраш даражасини аниқлаш;

аёлларда тадқиқ этилаётган ген полиморфизмларининг турли генотипик шакллариини, касалликнинг фенотипик белгилари, оғирлик даражаси ва клиник-лаборатор кўрсаткичларга таъсириини баҳолаш;

аёлларда тадқиқ этилаётган ген полиморфизмларининг интергенетик муносабатларини асослаш;

аёлларда подаграни гипоурикемик даволаш самарадорлигида генлар полиморфизмининг аҳамиятини таҳлил қилиш;

аёлларда подаграни эрта аниқлаш учун профилактик скрининг алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг артрологик ихтисослашган амбулатор даволаш курси бўлимида диспансер назоратда турувчи, кардиоревматология, ревматология, умумий терапия, травматология ва ортопедия бўлимиларида даволанаётган 202 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардоби, рентгенологик, магнит-резонансли томография, ультратовуш текшириш усуллари ҳамда бўғим синдромининг динамикасини объектив ва субъектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник визуал аналог шкала (ВАШ), Health Assessment Questionnaire (HAQ), Gout Severity Index (GSI)

кўрсаткичлари, беморларнинг ҳаёт сифати эса Short Form Medical Outcomes Study (SF-36) ҳамда EQ-5D (EuroQol-5 Dimension) қийматлари орқали баҳоланди. Шунингдек, умумклиник, биокимёвий, гормонал (эстроген, прогестерон, тестостерон), генетик (APEX1 (rs2307486), URAT1 (rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581)), синовиал суюқликни поляризация микроскопияси, асбобий (бўғимларнинг рентгенологик, магнит-резонансли томографияси, ультратовуш текширув) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

подагра билан оғриган аёлларда APEX1 (rs2307486), URAT1 (rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) генлар полиморфизмларининг хавfli генотиплари (T/G, G/G, T/T, T/A, G/G, A/G) юқори сонда учраши ва уларнинг подагра ривожланиши билан ишончли боғлиқ эканлиги аниқланган;

хавfli генотипларнинг қондаги сийдик кислота миқдори, тофуслар сони, ҳажми, подагрик артрит хуружларининг учраш даражаси ва яллиғланиш биомаркёрлари билан кучли корреляцияси ($r = 0.6 - 0.9$; $p < 0.01$) касалликни оғир клиник фенотипи ривожланишида аҳамиятли эканлиги аниқланган;

Generalized Multifactor Dimensionality Reduction (GMDR) ва корреляцион таҳлиллар белгиларсиз гиперурикемия ва подагра билан оғриган аёлларда URAT1(rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) ўртасидаги синергик боғланиш яллиғланишни кучайтириши, APEX1 (rs2307486) ва PDZK1 (rs3753581) орасидаги антагонистик муносабатлар эса касалликнинг юмшоқроқ кечишига таъсир кўрсатиши асосланган;

генетик полиморфизмларга қараб гипоурикемик терапия самарадорлиги фарқли бўлиб, APEX1 (rs2307486) T/T ва URAT1 (rs11231825) A/A генотипли беморларда аллопуринолнинг 300–600 мг/сут., PDZK1 (rs3753581) A/A генотиплиларда фебуксостатнинг 40 мг/сут. дозаси самарали бўлганлиги, PDZK1 (rs3753581) G/G генотипли беморларда эса фебуксостатнинг юқори дозалари (80–120 мг/кун) талаб этилиши асосланган;

аёлларда подаграни эрта ташхислаш, хавф омилларини баҳолаш, генетик таҳлил натижаларига асосланган ҳолда самарали гипоурикемик даволашни белгилаш мақсадида 4 босқичли профилактик скрининг алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

аёлларда подагранинг атипик ва яширин кечиш хусусиятлари аниқланиб, уларда бўғим синдроми кеч намоён бўлиши ва юқори коморбидлик негизида кеч ташхисланиш хавфини ҳисобга олган ҳолда клиник скрининг меъёрлари қайта ишлаб чиқилган;

APEX1 (rs2307486), URAT1 (rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) ген полиморфизмларининг хавfli генотиплари подагранинг генетик предикторлари сифатида тавсия этилиб, ушбу маркерлар асосида индивидуал хавфни баҳолаш тизими яратилган;

генетик хавfli генотиплар билан сийдик кислотаси даражаси, яллиғланиш биомаркерлари ва клиник кўрсаткичлар ўртасидаги кучли корреляция аниқланди ва подагранинг оғирлик даражасини баҳолаш учун комплекс алгоритми тузилган;

APEX1 (rs2307486), URAT1 (rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) генлари ўртасидаги интергенетик алоқалар ўрганилиб, генетик синергизм ва антагонизмнинг клиник аҳамияти аниқланди, бу эса таргетланган профилактика ҳамда даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга асос бўлган;

генетик профил асосида гипоурикемик терапия (аллопуринол ва фебуксостат) доза ва турини индивидуал танлаш усуллари ишлаб чиқилди, бу эса подаграли аёлларда даволаш самарадорлигини сезиларли оширишга хизмат қилган; аёлларда подаграни эрта аниқлаш ва профилактикаси учун 4 босқичли скрининг алгоритми ишлаб чиқилди, у хавф омилларини эрта аниқлаш ҳамда гипоурикемик терапияни ўз вақтида бошлаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, гормонал, генетик, инструментал ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти подагра ва белгиларсиз гиперурикемияси мавжуд аёлларда пурин (APEX1 rs2307486), сийдик кислотаси ташилиши (URAT1 rs11231825) ва урат транспортерларини бошқариш (PDZK1 rs3753581) билан боғлиқ генлар полиморфизминини таҳлил қилиш ҳамда ушбу генетик омилларнинг касалликни клиник кечиши ва гипоурикемик даволаш самарадорлигидаги аҳамиятини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти подагра билан оғриган аёл беморларда бўғим синдромининг хусусиятлари ва касалликнинг ўзига хос клиник кечишини аниқлаш орқали унга эрта даврларда аниқ ташхис қўйиш ҳамда генетик полиморфизмларни ҳисобга олган ҳолда муқобил даво чораларини кўриш, бўғим функционал етишмовчилиги ривожланишини секинлаштириш, коморбид ҳолатлар, касаллик асоратлари ва беморларнинг ногиронлигини олдини олиш ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёлларда подагранинг клиник ва генетик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: подаграли аёлларда APEX1 (rs2307486), URAT1 (rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) полиморфизмларининг хавфли генотиплари (T/G, G/G, T/T, T/A, G/G, A/G) юқори частотада учраши ва уларнинг подагра ривожланиши билан ишончли боғлиқ эканлигининг аниқланганлиги Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг 19.04.2025 йилдаги 19-сонли, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 11.03.2025 йилдаги 44-сонли ва Бекобод туман бирлашмасининг 12.03.2025-йилдаги 067-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги №18/70-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: APEX1, URAT1 ва PDZK1 генларидаги муайян полиморфизмлар подаграни ривожлантиришда генетик хавф омили сифатида хизмат қилиши мумкинлигини аниқлаш орқали, аёлларда подаграни эрта аниқлаш, юқори хавфли гуруҳларни скринингдан ўтказиш ва шахсийлаштирилган профилактика ҳамда даволаш чораларини амалга ошириш имкони яратилади. Иқтисодий самарадорлик: юқори хавфли генотипларга эга

бўлган аёлларда подаграни эрта диагностика қилиш орқали касалликнинг оғирлашиш ҳолатларини олдини олиш, стационар даволаниш кунларини қисқартириш ва дори-дармон харажатларини камайтириш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизими учун маблағ тежалишига эришилади. Хулоса: APEX1, URAT1 ва PDZK1 генларидаги хавфли генотипларнинг аниқланиши подаграни аёллар тақдирини башоратлаш, шахсийлаштирилган ёндашувни жорий этиш ҳамда уларнинг саломатлиги, меҳнатга лаёқатлилиги ва ҳаёт сифатини узок муддат сақлаб қолиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: хавфли генотипларнинг қондаги сийдик кислота миқдори, тофуслар сони, ҳажми, подагрик артрит хуружларининг учраш даражаси ва яллиғланиш биомаркёрлари билан кучли корреляцияси ($r = 0.6 - 0.9$; $p < 0.01$) подагранинг оғир клиник фенотипи ривожланишида аҳамиятли эканлигининг аниқланганлиги Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг 19.04.2025 йилдаги 19-сонли, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 11.03.2025 йилдаги 44-сонли ва Бекобод туман бирлашмасининг 12.03.2025-йилдаги 067-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги №18/70-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: юқори хавфли генотипларнинг клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар билан аниқ боғлиқлиги подагранинг оғир шаклларини эрта башоратлаш ва юқори хавфли беморларга шахсийлаштирилган назорат ва даволашни жорий этиш имконини беради. Бу ҳолат подаграни оғир кечиши билан боғлиқ асоратларнинг олдини олишда аҳамиятлидир. Иқтисодий самарадорлиги: подаграни оғир клиник фенотипи ривожланишига мойил генотипларга эга беморларни эрта аниқлаш орқали асоратлар, қимматбаҳо дори воситалари ва узок муддатли стационар даволанишга кетадиган маблағларнинг сезиларли даражада тежалишига эришилади. Хулоса: хавфли генотиплар билан подагранинг клиник ва биомаркёр кўрсаткичлари ўртасидаги кучли корреляция уларни прогнозик биомаркёр сифатида қўллаш имконини яратади ҳамда оғир фенотип ривожланишига қарши самарали, шахсийлаштирилган профилактика ва даво чораларини белгилаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: Generalized Multifactor Dimensionality Reduction (GMDR) ва корреляцион таҳлиллар симптомсиз гиперурикемия ва подагра билан оғриган аёлларда URAT1(rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) ўртасидаги синергик боғланиш яллиғланишни кучайтириши, APEX1 (rs2307486) ва PDZK1 (rs3753581) орасидаги антагонистик муносабатлар эса касалликнинг юмшоқроқ кечишига таъсир кўрсатиши баҳоланганлиги Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг 19.04.2025 йилдаги 19-сонли, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 11.03.2025 йилдаги 44-сонли ва Бекобод туман бирлашмасининг 12.03.2025-йилдаги 067-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги №18/70-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: генлар ўртасидаги синергик ва антагонистик муносабатларнинг клиник аҳамиятини баҳолаш орқали симптомсиз гиперурикемия фонида подагранинг ривожланиш хавфини прогноз қилиш ва яллиғланиш реакциясининг даражасини баҳолаш имкони яратилади. Бу эса шахсийлаштирилган профилактика ва назорат чораларини самарали қўллашга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: яллиғланишни кучайтирувчи генетик жуфтликларни аниқлаш

орқали подаграни оғир кечишининг олдини олиш, беморларни эрта даволашга йўналтириш ва мураккаб асоратлар ривожланишини чеклаш натижасида тиббий хизматларга бўлган харажатларни қисқартириш имкони яратилади. Хулоса: APEX1, URAT1 ва PDZK1 генлари ўртасидаги ўзаро таъсирларнинг баҳоланиши подагранинг клиник фенотипига таъсир қилувчи муҳим омил сифатида хизмат қилиб, шахсийлаштирилган диагностика ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштиришга туртки беради.

тўртинчи илмий янгилик: генетик полиморфизмларга қараб гипоурикемик терапия самарадорлиги фарқли бўлиб, APEX1 (rs2307486) T/T ва URAT1 (rs11231825) A/A генотипли беморларда аллопуринолнинг (300–600 мг/сут), PDZK1 (rs3753581) A/A генотиплиларда фебуксостатнинг 40 мг дозаси самарали бўлганлиги, PDZK1 (rs3753581) G/G генотипли беморларда эса фебуксостатнинг юқори дозалари (80–120 мг/кун) талаб этилиши асосланганлиги Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг 19.04.2025 йилдаги 19-сонли, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 11.03.2025 йилдаги 44-сонли ва Бекобод туман бирлашмасининг 12.03.2025-йилдаги 067-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги №18/70-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: генетик профилни ҳисобга олган ҳолда гипоурикемик терапияни шахсийлаштириш орқали подагралли беморларда даволаш самарадорлигини ошириш, ноўя таъсирларни камайтириш ва беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкони яратилади. Иқтисодий самарадорлиги: дори воситаларини индивидуал танлаш орқали даволашнинг юқори самарасига эришиш, дори дозаларини самарали тарзда бошқариш ҳамда дори сарфи ва қайта-қайта даволаш харажатларини камайтириш орқали соғлиқни сақлаш тизими учун маблағ тежалишига олиб келади. Хулоса: генетик полиморфизмлар асосида шахсийлаштирилган гипоурикемик терапия подаграни даволашда янги индивидуал ёндашув сифатида амалий аҳамият касб этиб, беморларнинг ремиссияга тез ва барқарор чиқишига замин яратади.

бешинчи илмий янгилик: аёлларда подаграни эрта ташхислаш, хавф омилларини баҳолаш, генетик таҳлил натижаларига асосланган ҳолда самарали гипоурикемик даволашни белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган 4 босқичли профилактик скрининг алгоритми Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг 19.04.2025 йилдаги 19-сонли, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 11.03.2025 йилдаги 44-сонли ва Бекобод туман бирлашмасининг 12.03.2025-йилдаги 067-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги №18/70-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: подагранинг эрта ташхисланиши, шахсийлаштирилган хавф баҳоси ва мақсадли терапия орқали аёл беморларнинг соғлиғини сақлаш, касалликни оғирлашишдан олдин тўхтатиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади. Иқтисодий самарадорлиги: эрта скрининг ва индивидуал ёндашув орқали подагра асоратларининг олди олинади, даволаш ва текширув харажатлари камаяди, стационар даволаниш кунлари қисқаради ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида маблағ тежалишига эришилади. Хулоса: аёлларда подаграни эрта аниқлаш ва самарали назорат қилишда тўрт босқичли профилактик скрининг алгоритмининг жорий этилиши шахсийлаштирилган тиббиёт тамойилларига асосланган замонавий ёндашув бўлиб, илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та халқаро ва 35та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 9 таси маҳаллий ва 3 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган. Шу билан бир қаторда диссертация иши юзасидан 2та услубий тавсиянома, битта рационализаторлик таклифи ҳамда битта ЭХМ дастури (DГУ) яратилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Аёлларда подагранинг клиник-патогенетик хусусиятлари ҳамда гипоурикемик даво самарадорлигида генлар полиморфизмининг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда аёлларда подагранинг этиопатогенези ва унинг клиник хусусиятларига замонавий қарашлар бўйича маълумотлар кенг ёритилган. Касалликни ташхислашда замонавий лаборатор ва асбобий усулларга тўхталиб ўтилган. Шунингдек, аёлларда подагранининг клиник ва молекуляр-генетик хусусиятларига алоҳида урғу берилган.

Диссертациянинг **«Подагра ва симптомсиз гиперурикемияли аёлларнинг умумий клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва тадқиқот усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаши ва клиник материалнинг умумий белгилари келтирилган.

Клиник тадқиқот 2021-2025 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология ва артрологик ИАДК бўлимларида олиб борилди. Проспектив текширувга 102 та подаграга чалинган, ўртача $54,5 \pm 8,7$ ёшдаги аёл жинсли беморлар ҳамда 100 та подагра билан касалланган ўртача $53,1 \pm 1,2$ ёшли эркаклар жалб қилиниб, уларда касалликнинг кечиш давомийлиги $10,5 \pm 3,5$ йилни ташкил қилди. Аёлларда подагранинг клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш илмий-тадқиқот ишимизнинг биринчи босқичи бўлиб, уни амалга ошириш мақсадида беморлар икки гуруҳга бўлинди: I гуруҳ подагра билан касалланган 102 нафар аёлни ташкил этди; II гуруҳ подагра билан оғриган 100 нафар эркакдан ташкил топди. Подагранинг молекуляр-генетик хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадида беморлар уч гуруҳга бўлинди: I гуруҳ подагра билан касалланган 102 нафар аёлни ташкил этди; II гуруҳ, симптомсиз гиперурикемия аниқланган 101 та аёлдан иборат бўлди; III гуруҳ, подагра билан


оғриган 100 нафар эркакдан ташкил топди. Назорат гуруҳининг таркибига эса асосий гуруҳ беморларининг ёши билан мутаносиб бўлган, клиник, лаборатор ва инструментал текширувларда патологик ўзгаришлар аниқланмаган 20 та амалий соғлом аёллар киритилди. Барча беморлар ва назорат гуруҳидагилар ўзбек миллатига мансуб эканликлари қайд этилди. Ташхис Америка ревматологлар жамияти ва Европа ревматизмга қарши лигада (ACR/EULAR, 2015 й.) қабул қилинган таснифий мезонларга асосан қўйилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардоби, рентгенологик, магнит-резонансли томография, ультратовуш текшириш усуллари, урат кристалларини поляризацион микроскопия ёрдамида аниқлаш мақсадида синовиял суюқлик ва/ёки тоғусдан олинган биоптат ҳамда бўғим синдромининг динамикасини объектив ва субъектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган. Тадқиқотда умумклиник визуал аналог шкала (ВАШ), подагрининг оғирлик индексини комплекс баҳолаш тести, ҳаёт сифати кўрсаткичлари, бўғим синдроми динамикасини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш анкеталари, биокимёвий, гормонал (эстроген, прогестерон, тестостерон), генетик ((APEX1 (rs2307486), URAT1(rs11231825), (PDZK1 (rs3753581))), асбобий (бўғимларнинг рентгенологик, магнит-резонансли томографияси, ультратовуш текширув, поляризацион микроскопия) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Кузатувдаги беморларнинг ўртача ёши $52,2 \pm 3,2$ ёшни ташкил қилди. Чунончи, 30-49 ёшли аёлларда подагра билан касалланиш 20,3% (n=21) ҳолатлардагина учраган бўлса, 50-69 ёшлиларда 46,6% (n=48), 70 ёшдан ошганларда эса 30% (n=31) ҳолларда қайд этилганлиги кузатилди. Эркакларда ушбу ёшда подагрининг учраш частотаси 41% (n=41)ни ташкил қилди. 50-69 ёш оралиғидаги эркакларда подагра билан касалланиш 34% (n=34) бўлган бўлса, 30-49 ёшлиларда эса бу кўрсаткич 20% (n=20)дан иборат бўлди. Тадқиқот ишига жалб қилинган беморларни касаллик давомийлиги бўйича таҳлил қилганимизда 5-10 йиллик анамнез эркак беморларнинг 53% қисмида, аёлларнинг эса деярли ярмида (49%) кузатилди. Олинган натижаларга статистик ишлов беришда STATISTICA StatSoft, 6,1–8,0 дастурий пакетидан фойдалинилди. Корреляцион таҳлилда Пирсоннинг корреляция даражаси (r) ёки Спирмен бўйича унвонли корреляция ишлатилди. Шунингдек, Манн-Уитни U-меъзони гуруҳлар орасидаги ўртача фарқларни солиштириш учун қўлланилган. Пирсон корреляцияси подагрининг клиник-генетик ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг «Аёлларда подагрининг клиник хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда аёлларда подагра ривожланишининг ҳавф омиллари, уларда подагрининг клиник хусусиятлари ҳамда подагрининг “ниқоблари” атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, аёлларда подагрининг оғирлик индекси комплекс баҳоланган. Аёлларда ортиқча тана вазни ва семизлик подагрининг ривожланишида муҳим ҳавф омил сифатида қаралиши кўплаб адабиётларда ўз аксини топган. Айниқса постменопауза давридаги аёлларда тана вазни индекси (ТВИ) пременопаузани бошидан кечираётган подагралли беморларга нисбатан юқори кўрсаткичларни ташкил қилган. Дарҳақиқат, постменопаузадаги подагралли аёлларда семизликнинг учраш даражаси (ТВИ - 30-34,9) пременопаузадаги беморларга нисбатан статистик ишончли тарзда баланд бўлганлигига гувоҳ бўлиш мумкин ($p < 0,5$). Подагра дебютида бўғим синдромининг бирламчи намоён бўлиш хусусиятлари қуйидаги 1-расмда ўз аксини топган. Унга кўра, Унга кўра, аёл


жинсли беморларда касаллик эркакларники каби классик бўғим синдроми билан кечмайди. 72% эркакларда оёқнинг I бош бармоғининг зарарланиши устунлик қилган бўлса, аёлларда эса бундай зарарланиш фақатгина 31,7% ҳолатлардагина қайд этилган. Нозик жинс вакилларида подагра клиникаси, асосан, периферик (қўл панжаси, кафт-билак, тизза) бўғимларнинг зарарланиши билан бошланган. Бундан ташқари, патологик жараёнга тирсак ва елка бўғимларининг жалб этилиш ҳолатлари ҳам аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учраганлиги аниқланди.



Изоҳ: *- $p < 0,01$ Эркаклар кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

1-расм. Подагра дебютида бўғим синдроминанинг бирламчи намоён бўлиши (%)

Касаллик 65% эркакларда классик моноартрит ва атиги 15-20% ҳолатларда олиго- ва полиартрит шаклида кечган. Аксинча, аёл жинсли беморларда бўғим синдроми кўпроқ полиартрит кўринишида намоён бўлган (65%). 15% аёллардагина подагра классик моноартрит шаклида кечиши кузатилган ($p < 0,05$).




Изоҳ: *- $p < 0,01$ Солиштирилаётган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

2- расм. Бўғимларнинг зарарланиш тавсифи (%)

Бўғим синдроминанинг таҳлил натижаларига кўра, аёлларда бўғимларнинг зарарланиши кўпинча симметрик, эркакларда эса аксинча асимметрик характерга эга бўлган ($p < 0,05$)(2- расм).

Қуйидаги 3-расмдаги диаграммада подагрик артритнинг илк хуружининг ўртача давомийлиги суткаларда ўз аксини топган. Унда келтирилган

маълумотларга асосан, аёлларда подагрик артрит белгилари эркакларга нисбатан кўпроқ вақт мобайнида сақланиб турган (16 ва 9 сутка, мос ҳолда). Йиллик хуружлар сони бўйича эса эркаклар аёлларга нисбатан статистик ишонarli равишда устунликка эга бўлишган. Эркакларда 1 йил давомида 7 маротаба ўткир подагрик артрит хуружи безовта қилган бўлса, аёлларда бу ҳолат 3 маротаба юзага келган (4-расм).



Изоҳ: *- $p < 0,01$ Солиштирилаётган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут


3- расм. Подагрик артритнинг илк хуружининг ўртача давомийлиги (сутка)

4- расм. Подагрик артрит хуружлари сонининг қиёсий таҳлили (маротаба)

Диссертациянинг «Аёлларда подаграни ташҳислашнинг ўзига ҳослиги» деб номланган тўртинчи бобида аёлларда подаграни умумклиник ва биокимёвий усулларда ташҳислашнинг қиёсий таҳлили ўтказилиб, уларда подаграни ташҳислашда поляризацион микроскопия усулининг самарадорлиги атрофлича чуқур баҳоланган. Шунингдек аёл жинсли беморларда подагранинг ултратовушли текширув (УТТ) ва компютер томография (КТ) белгиларини касалликнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўзгариши ҳам таҳлил қилинган.

Подаграга шубҳа қилинган, узоқ муддат давом этувчи оғрик, шиш, ҳаракат чекланиши билан кечган бўғим синдроми, дифференцияланмаган артрит, консерватив даволашдан самара кузатилмаган остеоартритли аёллар, қайталанувчи ва чўзилган синовит белгилари ва гиперурикемияси мавжуд артритли аёллардан олинган синовиал суюқликнинг пункцион наъмунаси ҳамда артроскопия амалиёти вақтида олинган биоптат таркибидан цитологик препаратлар таёрланиб, Романовский-Гимза усулида бўялди ва поляризацион микроскоп остида кўрилди. Бунда урат кристалларининг игнасимон шаклда “чакнаб” кўриниши ҳамда тофус таркибида аниқланган моноурат натрий тузлари ҳам аёлларда подаграни верификация қилинишига асос бўлди (6- ва 7-а,б расмлар).

Унга кўра, артрит белгилари мавжуд гиперурикемияли аёлларнинг 84%ида ва 37% дифференцияланмаган артрит ташҳиси қўйилган беморларнинг синовиал суюқлигида моноурат натрий кристаллари аниқланди. Шуниси эътиборлики, ҳатто остеоартрит ташҳиси билан узоқ йиллардан бери консерватив даволаниб юрган синовитли аёлларнинг 15%ининг синовиал суюқлигида ҳам урат тузлари топилди. Шунингдек, доимий равишда қайталанувчи ва чўзилган синовит белгилари бор аёллардан ҳам синовиал суюқлик олиб текширилди. Унга кўра, 26% аёлларнинг бўғим суюқлигида уратлар аниқланиб, подагра ташҳиси тасдиқланди.



6-расм. Синовиал суюқликнинг пункцион наъмунасида моноурат натрий кристалларини игна шаклида кўриниши




а.



б.

7-расм. Артроскопия амалиёти вақтида олинган биоптат (а. болдир-товон бўғимидан олинган тофус; б. тирсак бўғимидан олинган тофус).


Куйида акс эттирилган 8-расмдаги тасвирда чизиқли тарқалиш диаграммаси тасвирланган бўлиб, унда икки ўзгарувчи ўртасидаги боғланиш ва унинг интенсивлиги кўрсатилган. Қизил чизиқ бу регрессия тренди бўлиб, у юқори корреляцияни акс эттиради. Графиклардаги корреляция коэффицентлари $r = 0.75 - 0.95$ оралиғида бўлиб, бу кучли ва ишончли боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Тасвирланган диаграмма орқали синовиал гипертрофия даражаси билан СРО концентрацияси ва ЭЧТ ўртасида кучли боғланиш мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Яъни, синовиал гипертрофия ҳажми ортгани сари ЭЧТ даражаси ва СРО концентрацияси ҳам ошиб боради. Шунингдек, подагра хуружлари сони билан синовиал гипертрофия орасида ҳам мусбат корреляция мавжуд бўлиб, бу ҳолат подагра хуружлари кўп бўлган беморларда синовиал гипертрофиянинг юқори даражада бўлишини ҳамда яллиғланиш жараёнларининг сурункали тарзда кечишини тасдиқлайди.



8-расм. Аёлларда подагранинг ултратовушли текширув белгилари билан касалликнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабат

“Аёлларда подагранинг молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолаш” номли бешинчи бобида дастлаб подагра ва симптомсиз гиперурикемияли аёлларда APX1 (rs2307486) ген полиморфизмининг Т/Т, Т/Г ва Г/Г каби генотипик вариантларининг учраш частотаси гуруҳлар орасида солиштирма таққосланган.

Унга кўра, подагралли аёллар орасида Т/Г (45%) ва G/G (15%) генотипларининг юқори даражада учраганлиги мазкур мутацияларнинг подагра ривожланишидаги аҳамияти юқори эканлигидан дарак беради. Симптомсиз гиперурикемияли аёлларда Т/Г (40%) генотиби юқори, лекин G/G (10%) нисбатан камроқ қайд этилган. Подагралли эркеклар орасида эса Т/Г (50%) ва G/G (15%) генотиплари анча юқори даражаларда учраган, бу ҳолат эса ушбу мутациянинг подагра билан боғлиқ бўлиши эҳтимоли мавжудлигини тасдиқлайди. Назорат гуруҳида Т/Т генотиби (70%) устунлик қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин, бу эса касаллик мавжуд эмаслигида нормал генотип устун бўлишини аңлатади.




Изоҳ: $p < 0,05$; $p < 0,01$; $p < 0,05$; $p < 0,001$ - солиштирилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут

9-расм. АРЕХ1 (rs2307486) полиморфизми ва подагранинг оғирлик индекси ўртасидаги солиштирма таҳлил

Юқоридаги 9-расмда келтирилган виолин плот диаграммасида жинслар ўртасида АРЕХ1 (rs2307486) полиморфизми ва подагранинг оғирлик индекси бўйича таҳлил келтирилган. Унда касалликнинг оғирлик даражасининг таҳлили генотиплар (Т/Т, Т/Г, G/G) бўйича кўрсатилган. Ундаги маълумотларга асосан, Т/Т генотиби ҳар иккала гуруҳда ҳам енгил ва ўртача оғирликдаги ҳолатлар билан кўпроқ боғлиқ бўлса, Т/Г генотиби подагранинг ўртача ва оғир кечиш ҳолатлари билан намоён бўлади. G/G генотипик шакл эса касалликнинг энг оғир клиник шаклларида кузатилган. Т/Т генотиби учраган ҳар иккала гуруҳ беморларида касаллик энг кам хавфли ва енгил клиник кечиш билан характерланган. Т/Г генотиби мавжуд иккала жинс вакилларида сийдик кислота миқдори ва ВАШ индекси юқори бўлган. G/G генотипик шаклни сақлаган беморлар орасида тофуслар сони ва йиллик хуружлар сонининг юқорилиги бўйича эркеклар устунликка эга бўлишган.

Подагралли беморларда URAT1(rs11231825) ген полиморфизмининг турли генотипик вариантларининг учраш частотасини аниқлаш бўйича олинган натижаларга кўра, Т/А (гетерозигота) генотиби подагралли беморларда энг кўп учраган генотип эканлиги, у подагралли аёлларда 45%, эркекларда эса 50% ҳолатда аниқланиши қайд этилган. Бу ҳолат rs11231825 полиморфизми подагра ривожланишига генетик мойиллик билан боғлиқ бўлиши мумкинлигидан дарак беради. Т/Т (гомозигота рецессив) генотиби эса симптомсиз гиперурикемияли аёлларда 50% ҳолатларда қайд этилган. Хусусан, URAT1(rs11231825) ген полиморфизмининг Т/Т, Т/А, А/А генотипик шакллари сақлаган подагралли эркек ва аёл беморларда сийдик кислота даражаси, ВАШ индекси, тофуслар сони ва йиллик хуружлар сони ўртасида сезиларли фарқ кузатилган. Унга кўра, Т/Т

генотипли беморларда сийдик кислота даражаси, тофуслар сони, йиллик хуружлар сони ва ВАШ индекси энг юкори даражаларда бўлиши аниқланган. КФТ (коптокча филтрация тезлиги) эса А/А генотипли беморларда энг юкори кўрсаткичларда сақланиб қолганлиги қайд этилган ($r = -0.71$, $p < 0.01$) (10-расм).




Изох: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$ - солиштирилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут

10-расм. URAT1 (rs11231825) ген полиморфизмининг генотипик вариантлари ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция таҳлили

PDZK1 генидаги rs3753581 полиморфизми сийдик кислота метаболизми билан чамбарчас боғлиқ муҳим SNP ҳисобланади. Унинг G/G генотиби подагралли аёлларда энг кўп ҳолатларда (40%) кузатилган бўлиб, бу эса ушбу генотипик шаклга нисбатан касалликка генетик мойилликни оширувчи омил сифатида қарашга асос бўлади. Соғлом ва симптомсиз гиперурикемияли аёлларда А/А генотиби устунликка эга бўлганлиги унинг химояловчи аллель сифатида баҳолашга асос яратган.


Қуйидаги 11-расмдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, PDZK1 генининг полиморфизми ва фенотипик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик жинс ва генотипга қараб фарқ қилади. G/G генотипига эга аёлларда сийдик кислотаси ва ВАШ индекси ўртасида кучли мусбат боғлиқлик, G/A ва А/А генотипидаги эркакларда эса йиллик хуружлар ва тофуслар сони ўртасида салбий корреляцион муносабатлар мавжудлиги қайд этилди. А/А генотипли эркаклар ва аёлларда подагра нисбатан енгил кечиши аниқланди. Ушбу генотипли аёлларда оғрик даражаси ошса ҳам, тофуслар кам ва йиллик хуружлар сони паст бўлиши қайд этилди. G/G генотипик шаклга эга эркакларда касалликнинг энг оғир клиник кечиши ҳамда сийдик кислота, тофуслар, йиллик хуружлар сони ўртасида кучли ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

PDZK1 полиморфизмининг турли генотипик шакллари мавжуд бўлган подагралли эркаклар ва аёллар ўртасида сийдик кислота, атерогенлик индекси, креатинин ва КФТ каби муҳим лаборатор кўрсаткичларнинг боғлиқлиги ўрганилганда, ушбу ген полиморфизми подагранинг оғирлик даражаси ва лаборатор кўрсаткичларга жинс ва генотипга қараб турлича таъсир кўрсатиши маълум бўлди. G/G генотипик шакл кўпроқ патологик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, бу генетик омилларнинг касаллик патогенезидаги аҳамиятини кўрсатади.



Изоҳ: * $p < 0,05$ - солиштирилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут
11-расм. Подаграга чалинган беморлар гуруҳлари орасида PDZK1 (rs3753581) ген полиморфизмининг касалликнинг фенотипик белгиларига таъсирини солиштирма баҳолаш

Ген-генотип-гормон муносабатларини Пирсон корреляцияси орқали таҳлил қилиш натижасида эстроген даражаси APEX1 (rs2307486) генининг T/T генотиби билан боғлиқ ҳолда юқори бўлиши ушбу ген экспрессиясида эстроген таъсирининг мавжудлигини кўрсатади. URAT1 (rs11231825)нинг T/T генотибида прогестерон даражаси эътиборли даражада юқорилиги қайд этилди. PDZK1 (rs3753581)нинг G/G генотибида тестостерон даражаси юқори бўлиши аниқланди. Бу ҳолат подагранинг эркакларда интенсивроқ кечиши билан боғлиқ бўлиши мумкин (12-расм).




Изоҳ: p – солиштирилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик аҳамиятли тафовутлар;
 r – солиштирилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик аҳамиятли корреляция;

12-расм. Ген-генотип-гормон муносабатларини Пирсон корреляцион таҳлили


Диссертациянинг олтинчи бобида “Аёлларда подагра ривожланишига сабаб бўлувчи генларнинг интергенетик муносабатлар”и MDR (Multifactor Dimensionality Reduction) ва GMDR (Generalized Multifactor Dimensionality Reduction) асосида таҳлил қилинган. 13-расмда кўрсатилган дендрограммани

тахлил қиладиган бўлсак, қисқа чизиқлар кўрсатилган локуслар орасидаги кучли боғлиқликни акс эттиради; узун бўлганлари эса улар орасидаги муносабат заиф эканлигини англатади. Қизил ранг синергик ўзаро таъсирнинг юқори даражасини, сабзиранг камроқ даражадаги синергизм мавжудлигини, жигарранг синергизм ва антагонизм ўртасидаги оралик босқични (алоҳида локуслар таъсирининг алоқаси ёки мустақиллиги йўқлиги), яшил ва кўк ранглар эса антагонистик таъсирнинг юқори ёки паст даражада эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, APEX1(rs2307486) гени PDZK1 (rs3753581) билан суств, лекин URAT1(rs11231825) билан оксидатив стресс орқали кучли боғланган бўлиб, бу ҳолат APEX1(rs2307486) ва URAT1 (rs11231825) синергизмда ишлашини кўрсатади. APEX1 (rs2307486) генининг T/G, G/G генотиплари оксидатив стрессни кучайтириш орқали буйрак каналчаларини зарарланишига ва бу орқали URAT1 (rs11231825) дисфункциясига олиб келади. Бунинг натижасида эса қонда сийдик кислота даражаси ортади. URAT1 (rs11231825) генининг T/T ва PDZK1 (rs3753581) генининг G/G генотипларининг комбинацияси мембранада урат ташувчи оксилларнинг нотўғри локализациясига сабаб бўлади, натижада уратлар экскрецияси пасаяди. PDZK1 (rs3753581) генининг A/A генотипи урат транспортерларининг барқарорлигини сақлаб қолади ва шу орқали APEX1 (rs2307486) G/G генотипи билан боғлиқ дисфункционал таъсирларни қисман компенсация қилади.




13-расм. Подагра билан оғриган беморларда ўрганилаётган генларнинг ўзаро таъсирининг кластер тузилишининг дендрограммаси

Қуйидаги 14-расмда тасвирланган Фрюхтерман–Рейнгольд схемаси орқали APEX1(rs2307486), URAT1 (rs11231825) ва PDZK1 (rs3753581) генлари ўртасидаги интергенетик алоқалар баҳоланди. URAT1(rs11231825) гени подагранинг ривожланишида муҳим нишон сифатида намоён бўлди (40%). URAT1 (rs11231825) ва PDZK1(rs3753581) ўртасидаги боғлиқлик (4.77%) эса синергик патоген таъсир мавжудлигини кўрсатади. APEX1 (rs2307486) генининг G/G гомозигот мутацияси эса нисбатан камроқ учрасада, аммо модулятор (рағбатлантирувчи) таъсирга эга бўлиши билан ажралиб турди. Фрюхтерман-Рейнгольд схемаси асосида интергенетик муносабатлар таҳлили натижасига кўра, URAT1 (rs11231825) (40%) > APEX1 (rs2307486) (30%) > PDZK1(rs3753581) (25%) бўлиб, чизиқлар қалинлиги ўзаро таъсир кучини ифодалайди. Икки ва уч локусли GMDR моделлари таҳлилида APEX1 (G/G) + URAT1 (T/T) комбинацияси подаграни ривожлантирувчи энг ишончли интергенетик модель сифатида қайд этилди ($P < 0,01$). APEX1 (G/G) + URAT1 (T/T) + PDZK1 (G/G) уч локусли комбинацияси эса подагра ривожланиш хавфини аниқлашда энг юқори аниқликка эга бўлган модель бўлиб чиқди ($P < 0,005$). Симптомсиз гиперурикемияли аёлларда APEX1 (T/T) + URAT1 (A/A) + PDZK1 (A/A) комбинацияси эса генетик муҳофазани таъминлаши ўз тасдиғини топди.



14-расм. Фрюхтерман-Рейнгольд схемаси асосида интергенетик муносабатлар таҳлили

